РУС ШАРҚШУНОСЛАРИ АСАРЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ХЎЖАЛИГИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Музаффар Меликўзиевич Маъмуров
Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
m.mamurov-74@yandex.ru

АНОТТАЦИЯ

Мазкур мақолада XVIII-XIX асрларда ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эга бўлган Қўқон хонлигининг географик жойлашуви,хўжалиги ва ер-сув муносабатларининг рус шарқшунослар асарларидаги талқини баён этилган.

Калит сўзлар: Тарихий манбалар, Қўқон хонлиги, ер эгалиги, давлат бошқаруви, сиёсий-иқтисодий алоқалари, аграр муносабатлари, ўтроқ аҳоли.

SOME ASPECTS OF THE HISTORY OF THE ECONOMY OF KOKAND KHANATE IN THE WORKS OF RUSSIAN ORIENTALISTS

Muzaffar Melikuzievich Mamurov
Senior teacher of Kokand State Pedagogical Institute
m.mamurov-74@yandex.ru

ABSTRACT

This article describes the interpretation of the geographical location, economy and land relations of Kokand Khanate, which has a place in the history of Uzbek statehood in the XVIII-XIX centuries, in the works of Russian orientalists.

Keywords: Historical sources, Kokand khanate, land ownership, public administration, political and economic relations, agrarian relations, sedentary population.

КИРИШ

Қўқон хонлиги ўзининг давлат бошқаруви, сиёсий-иқтисодий алоқалари, маданий ва аграр муносабатлари ривожланиши тарихи орқали ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эганлаганлигини билишимиз мумкин.

XIX асрнинг II- ярими ва XX аср бошларига оид маҳаллий ва рус тарихчиларининг асарларида Қўқон хонлигининг худуди, қўшни Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидан фарқли ўлароқ, серсув дарёлар, сўлим водийлар, серҳосил ерларга бой бўлганлигини билишимиз мумкин. Қўқон хонлиги хўжалигининг асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этади. Аҳолисининг кўп қисми ўтроқ ҳаёт кечириб, қишлоқларда, шаҳар атрофларида деҳқончилик

билан шуғулланганлар.Деҳқончилик маҳсулотлари хонлик ўтроқ аҳолисининг озиқ-овқат манбаи бўлиб, майда хунармандчилик саноати учун хом ашё вазифасини бажарган,ҳатто четга олиб чиқилганлигини кўришимиз мумкин. Хонликнинг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшайдиган худудларда хўжаликнинг асосий манбаси чорвачилик бўлган. Қишлоқ хўжалигининг иқтисодий тузилиши ва ривожланиш йўналишлари қўл меҳнати хўжалигига асосланган эди. Қишлоқ хўжалик экинларидан буғдой, арпа, жўҳори, шоли ва бошқа экинлар етиштирилган. Буғдой, айниқса шоли жуда қиммат турган, шунинг учун А.Миддендорф «жўҳори камбағалда умид уйғотади», яъни камбағалнинг асосий овқати эканлигини таъкидлаб ўтган [1].

Хонлик хўжалик ҳаётининг асосини пахтачилик ташкил этган. 1813-1814 йилларда Қўқонда бўлган элчи Филипп Назаров «Қўқон ва бутун Қўқон хонлиги пахта ва тут дарахтларига жуда ҳам бойдир» деб таъкидлаган эди [2]. Шунингдек, сибирлик казак Максимовнинг берган маълумотига кўра худудда тамаки хўжалиги ҳам яхши ривожланган «энг яхши тамаки сариқ гулли Америка навидир ва у Наманган шаҳри атрофларида ўстирилади», биз бундан Наманганда тамаки етиштирилганлигини билиб олишимиз мумкин.

Қўқон хонлигида аграр муносабатларининг асосини ерга ва суғориш тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи ташкил этади. Ўрта Осиёнинг барча давлатлари жумладан Қўқон хонлигидаги ер эгалиги муносабатлари ҳам ҳозирга қадар илмий-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бутун мусулмон мамлакатлари каби, Қўқон хонлигида ҳам ерга нисбатан мулк ҳуқуқи фақат давлатга тегишли бўлган. Ернинг олий эгаси хон ҳисобланиб, унинг руҳсати билангина ҳусусий ва жамоа ерларига эгалик ташкил этилган.

Хонликда иккита ер эгалиги шакли мавжуд бўлиб, булар давлат ва ҳусусий ер эгалигидир.Ўз навбатида ҳусусий ер эгалиги шахсий ва вақф ер эгалигига бўлинган.

Хонликда ерга эгаликнинг қуйидаги шакллари мавжуд бўлган:

1) давлат (амлок) ерлари, деҳқон доимий ундан фойдаланган ва фойданинг асосий қисмидан хирож тўлаб турган;

2) мулки ҳур ерлар- давлат бу ерлардан сув учун ҳақ олади, бошқа ҳеч қандай мажбурият олинмаган;

3) вақф ерлари- давлат ёки ҳусусий ер эгалигидан, диний муассасалар тасарруфидаги ерлардир;

4) хирож ерлар- ҳусусий ерлар, мулк эгаси эркин бўлиб, шариат қонунларига кўра фақат ушр ёки хирож тўлаган;

5) жамоа яйловлари-ўрмонлар,яйловлар,ўзлаштирилмаган ерлардир, кўчманчилар бу ерлардан эркин фойдаланишган.[9].

Бутун ер давлатники ҳисобланганлиги учун ҳам ҳусусий мулкдорларга ер эмас, балки унинг маҳсулоти яъни экинлар ва иморатлар кирган. Мулкдорлар ҳосилнинг бешдан бир қисмини солиқ тарзида ҳукмдорга берарган ва бу амалдорлар ёки ҳарбий хизматчиларга тўланадиган ойлик (маош) хизматини ўтаган. Ер мулкининг кўпчилиги 0,3 гектаргача бўлган кичик ерлар бўлиб, бир гектар ери бор одам бой ҳисобланган, 15 гектар ери бор одам эса ўзини хонга тенглаштирганлигини кўришимиз мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қўқон хонлигидаги мавжуд ер эгалиги шакллари ва хўжалигини ўрганишда худудимизга ташриф буюрган рус сайёҳлари ва шарқшунос тарихчилари томонидан чоп этилган мақола ва асарларнинг ўрни каттадир. Мисол тариқасида В.Григорьевнинг “Современные монеты Кокондского хонства.1856 г”, А.Куннинг “Некоторые сведения о Ферганской далине.1876 г”, “Очерки Коконского хонства.1876 г”, А.П.Хорошхиннинг “Очерки Кокана.1876 г”, Н.Пантусовнинг “Податные свори в Коконде.1876 г”, А.Миддендорфнинг “Очерки Ферганской долины.1882 г”, В.Наливкиннинг “Краткая история Кокандского ханства. 1886 г”, Н.И Потаниннинг “Записки о Коканском хонстве хорунжего Потанина1830 г”, В.В.Велъяминов- Зерновнинг “Сведения о Кокандском ханстве. 1856 г”, “Исторический известия о Кокандском хонстве от Мухаммед-Али до Худаяр-хана. 1856 г”, А.Зиминнинг “Первые шаги Алим-хана на государственном поприще. 1913 г”, Н.Остроумовнинг “Перевод ярлыка Сеид Мухаммед Насриддин Бахадур- хана о назначении Муллы Абдул-Каюма сина Ишана-Агаева на должност Мехтара. 1916 г”, “Перевод ярлыка Какандского хана1917 г”, З.Валидовнинг “Некоторые данные по истории Ферганы XVIII столетия. 1916 г”, В.В Бартольднинг “История культурной жизни Туркестана. 1963 г”, А.Л.Троицкая “Каталог архива Кокандских ханов XIX века. 1968 г”, Ф.Назаров “Записки о некоторых народах и землях части Азии. 1968 г” каби асарларда хонликдаги ер эгалигининг турли шакллари тўғрисида кўплаб маълумотларни учратишимиз мумкин.

НАТИЖАЛАР

Қўқон хонлигида деҳқончилик туманларида мулк ерлари асосий ўринни эгаллаганлигини кўришимиз мумкин. Мулк ерларига эгалик қилиш ҳуқуқини фақатгина олий хукмдор яъни хондан олиш мумкин бўлган, уларни суғориш ҳам

хукуматни руҳсати билан берилган (агар ер ўзлаштирилмаган ер бўлса). Лекин давлатдан ишлов бериладиган ерларни ҳам сотиб олиш мумкин эди. Мулкка бўлган ҳуқуқ сотиб олиш, суғориш ҳақидаги нарсалар хоннинг ёрлиғи, васиқаси ва муҳри билан мустаҳкамланган. Мусулмонлик ҳуқуқига кўра: «Агар ким хукмдордан бўш ердан фойдаланиш учун рухсат олса-унга эгалик қилиш ҳуқуқига эгадир. Одатда янги ерларни суғориш жуда катта меҳнат ва куч талаб этади. Табиийки, суғориш иншоатларини қуриш фақат йирик мулкдорлар, жамоа ва давлатнинг қўлидан келган. Улар янги ерларга сув чиқариш ташаббускорлари бўлган, шу сабабдан бу ерларга эгалик қилишганлигини кўришимиз мумкин. Ўрта Осиё шароитида сувсиз ҳеч қандай деҳқончилик қилиш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб,ерга эгалик қилиш суғоришда ишлатиладиган сувларга ҳам эгалик қилишга сабаб бўлган. Ҳусусий мулк эгаси шунинг учун ҳам ер ва сувга хўжайинлик қилган.Ўра-тепа тарихига оид материалларда ҳусусий мулкчилик ҳуқуқига тўҳталиб ўтилган. Масалан,Туркистон ўлкасини тафтиш этиш ҳисоботининг «Туркистонда суғориш» бўлимида: «Ўлканинг турли бурчакларида, масалан, Самарқанд области Хўжанд уезди ёки Фарғонадаги Шоҳимардон суғориш системасида ерни суғориш учун сувни сотиш жуда кенг кўламда тарқалган” деб ёзилган.

Ерларнинг олди-сотди ишларида бир томонда кўп ер майдонларни қўлида тўплаган йирик ер эгалари бўлса, иккинчи томонда хонавайрон бўлиб бораётган деҳқонлар турган.

Мулк эгалари солиқларни тўлашга ва мавжуд давлат мажбуриятларини бажаришга мажбур бўлганлар. Мулк ерлар (ҳусусий ерлар) солиқ солинишда иккига бўлинади: солиқлардан озод этилган ерлар (мулки хур ёки мулки холис) ва давлатга солиқларни тўловчи ерлар (мулки хирож ёки мулки ушр).[6]. Баъзи олимларнинг фикрича, хонликда хусусий ерларни тўрт қисмга бўлишади:[7].

1) Мулки холис ёки мулки хур–хон давлати олдида алоҳида хизматлари учун берилган, солиқлардан озод этилган ерлар;

2) Мулки ушр–олинган ҳосилнинг 1\10 бири давлатга солиқ тариқасида берилган ерлар;

3) Мулки хориж-босиб олинган ерлар бўлиб, ҳосилнинг тўртдан ёки бешдан бир қисми хон давлатига солиқ сифатида тўланган;

4)мулки вақф–мусулмон диний ташкилотларига ҳадия қилинган ерлар.

Давлатга солиқ тўлашдан озод қилинган ерлар сотиб олиш пайтида мулк эгаси ерни 2\3 ёки 3\4 қисмидан давлат фойдасига кечиб юборилган ҳолатда ташкил топади ва солиқ тўлашдан озод қилинади. Давлат ердан олинадиган тўлов солиқларни олдиндан ундириб олган ва ерга солиқ тўламасдан эгалик

қилишни берган. Тадқиқодчи О.И.Чехович асарида шундай дейилади: «Сотиб олинган сувлар ва ерлар сотилгунга қадар давлат ерлари бўлган, хон тасарруф этган, бу мулкларнинг қонуний сотиб олиниши натижасида кўрсатилган мулклар сотиб олган шахсларнинг мулки харжига айланган, хон эса қонуний хирож ўрнига мулкнинг 2\3 қисмини қабул қилиб олган, қолган бир қисми эса мулки хур, яъни солиқлардан озод ерга айланган» [8]. Мулк ерларига эгалик қилиш ҳуқуқи шартли бўлади,у фақат хон хукмронлик қилган йилларида ҳаракатда бўлган.Ҳусусий мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлар, гувоҳномалар хон ҳазинасида сақланган ва ҳар бир янги хонни тахтга ўтириши билан янгидан бошланган. Шунинг учун бизгача етиб келган хужжатлардаги хон муҳрларининг янгиланиб бориши,ушбу рўйхатга олинишлардан гувоҳлик беради.Бу жараёнлардан хонлар мулк ерлари эгалари қўллаб қувватлашини кучайтиришда фойдаланишганлигини қайд этиш лозим.

Агар ўтроқ деҳқончилик ҳудудлардаги асосий ерларни мулк ерлари эгаллаган бўлса, кўчманчи ерли ўтроқ аҳоли яшайдиган ерларда чорва ва яйловларга, экин майдонларига жамоа билан биргаликдаги эгалиги, жамоа ер эгалиги (замини жамоат) кенг тарқалган. Кўпгина тадқиқотчилар жамоа ерлари амлок ва мулк ерларига ўхшаш деб фикр билдиришадилар, фақат у яйловлардан ва бошқа ерлардан жамоа бўлиб ишлашда фарқланади.

МУҲОКАМА

Рус шарқшуноси В.М.Полоских хонликда ер эгалигининг турли шакллари ҳақида фикр юритиб ер эгалигининг қуйидаги шакллари: давлат ва хон ерлари, хусусий ерлар, жамоа ерлари, диний муассаса ерларига бўлинади деб таъкидлаб ўтади [3]. Шарқшунос А.Л.Троицкая Қўқон хонлигининг архив материалларини атрофлича ўрганиб, хон ерларини учта гуруҳга ажратади.

1.Даромади хон саройи учун сарфланадиган махсус ажратилган ерлар.

2. Ов қилинадиган ерлар.

3. Хон ва унинг оила аъзоларига қарашли ерлар [4].

Кўпкина тадқиқотчилар эса хон ерларини ер эгалигининг алоҳида турига ажратиб кўрсатмайдилар. Чунки хон ерлари ва амлок ерларини бир-биридан ажратиш анча қийин, лекин В.М.Полоских эса юқоридаги тадқиқотчилар фикрини рад этади.Шунингдек В.В.Наливкин, А.Кун ҳам ўз асарларида давлатда хон ерлари мавжудлигини таъкидлаб ўтганлар.Қўқон хонлигида хон ерлари хос ёки хослик деб юритилган. Биз бу фикримизни Н.Н.Пантусов, А.Л.Кун, В.П.Наливкин, А.Троицкая асарларидаги маьлумотлардан ҳам билишимиз мумкин. Бундан ташқари А.Л.Кун ўз асарида “Хонликда бекликлардан мустақил

қишлоқлар бўлиб, ҳеч кимга бўйсинмаган, фақат хон тамонидан мустақил бошқарилган. Маҳсус хон тамонидан тайинланган солиқ йиғувчилар яъни саркорлар бошқарган” деб ёзиб қолдирган.[5]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, XIX асрнинг сўнги чораги ва XX асрларда яратилган рус шарқшунос тарихчиларининг асарлари Қўқон хонлигининг барча соҳалари каби давлатдаги хўжалик шаклларининг айрим жиҳатларини очиб беришда бизга катта ёрдам беради. Қўқон хонлигидаги аграр муносабатлар, суғориш тизими ва хўжалигининг барча тармоқлари тарихини ўрганишда юқоридаги олимларининг меҳнати бежиз бўлмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лекин, мавзуни ўрганилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда рус олимларининг асарларига танқидий ва таҳлилий жиҳатдан ёндашишни тавсия этамиз.

REFERENCES

1. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПБ., 1882, с.т 16-17
2. Ф.Назаров “Записки о некоторых народах и землях части Азии. М. 1968 г, с.т 78
3. Плоских В.М. Очерки париархально-феодальных отнашений в Южной Киргизии, Фрунзе. 1968, ст 45-46.
4. Троицкая А.Л. Архив кокандских ханов XIX в Предварительный обзор// Труды Публ. библиотеки им. Салтыкова Ўедрина. 1957. Т, 2 ; Ганчи, ганчибаши в Кокандском ханстве (XIX в) 13 тюркологические исследования. М;Л, 1969. с.т 128-130
5. Кун А.Л. Некоторые сведения о Ферганской далине.// Военный сборник 1876, №4; Очерк Кокандского ханства // Изв. РГО.Т. с.т 12.
6. Сооданбеков С.С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. Бишкек, 2000. ст 42.
7. Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. Наманган 1994, 28 б.т
8. .Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве вып. 1 акты феодальний собственности на землях XVI-XIX вв. Ташкент, 1954, ст 17-18
9. Мухтаров А. Очерки истории Ура-Тюбинского веадения в XIX в Душанбе, 1964. ст-71